



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 20-iyun, chorshanba

№ 26 (1088)

1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

Блогерлар чемпионати: МУҲИМ ЭЪТИРОФ

Бор-йўғи 5-6 йил олдин уларни яхши танимас-дик, Танисак ҳам эртага рақобатчи сифатида май-донга чиқишини сезмас, сезмас-да, тан олгимиз келмасди.

Бугун эса блогерлар профессионалликда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботладилар.

4

ВЕЛОСИПЕДНИ ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТАМИЗ!

Пойтахт кўчаларида кўзга ташланаётган велосипедчилар, тобора оммалашаётган велопрокатлар саломатлигимиз ва моддиятимизга фойдалилиги, энг асосийси, табиат, атроф-муҳитга безарарлиги жиҳатидан улкан бир қадам

6

ИБРАТЛИ ВА ҲИКМАТЛИ ҲАЁТ

Иқтисод фанлари доктори, профессор Нуришлом Тўхлиевни катта иқтисодчи олим, ажойиб ношир сифатида газетхонларимиз яхши танийди. Эл-юрт кўрган олим кейинги йилларда ўз кузатувлари ва тажрибалари, қишлоқдош, узангидош ҳамкасблари ҳақида эсда қоларли, қизиқарли эсселар яратдики, уларнинг ҳар биридан катта ибрат ва ҳикматни ўқиш мумкин.

7

Обод қишлоқ

БАҲОРДА КЕЛГАН КУВОНЧ



Мамлакатимизда "Обод қишлоқ" дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар чекка ҳудудларда яшаётган юртдошларимиз турмушини тубдан ўзгартириб, муносиб ҳаёт тарзини тўхфа этмоқда. Жиззах вилояти аҳли биринчилардан бўлиб узоқ йиллар эътибордан четда қолган "Манас" қишлоғида қисқа муддатда хайратомуз ободончилик ишларини амалга ошириб, ўзига хос намуна кўрсатди.


Манасда бошланган эзгу ишлар мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёзаяпти. Мирзачўл тумани марказидаги "Галаба" маҳалласида олиб борилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Маҳалла туман ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Аслиддин Жалолов раҳбарлик қилаётган учун 3-сектор ҳудудида жойлашган.

— "Обод қишлоқ" дастури учун 3-сектор ҳудуди танлангани бежиз эмас, — дейди Аслиддин ака. — Чунки ҳудуддаги уйлар бундан етмиш йил олдин, яъни чўлни ўзлаштириш бошланган пайтлар вақтинчалик бошпана сифатида қурилган. Очиги, улар 80-йиллардаёқ яросқиз ҳолга келиб қолган эди. Шундай бўлса-да, мутасаддиларнинг эътиборидан четда қолаверган. Энг ачинарлиси, юзлаб одамлар баракларда яшаган. Шунинг учун "Галаба" маҳалласида "Обод қишлоқ" дастурини амалга оширишга қарор қилишди.

2-бет

Ҳар бир оила — тадбиркор



Суратда
Х. Муслимов

Табаккалдан бошланган ИШОНЧЛИ БИЗНЕС

Йигит кишига қирқ хунар оз. Ишга бутун оила бўлиб киришсангиз, изланишлар, хатти-ҳаракатлар кишига омад келтириб, даромадли бизнесга асос бўлади. Бу йўлда мақсадга етиш осон кечади. Илғаган бўлсангиз, оилавий тадбиркорлик хусусида сўз юритмоқчимиз.

Оилавий тадбиркорлик, ажодлар ишини давом эттириш, касб-хунар эгаси бўлиш аслида халқимизга отамерос. Бу анъана кейинги йилларда яна ривож топмоқда. Касб-хунар, касаначилик, тижоратга қизиқиш ортаётир. Айни кунда юртимизда ўн уч мингдан ортиқ оилавий тадбиркорлик субъекти борлиги фикримиз тасдиғидир. Аҳамиятли томони шундаки,

бундай корхоналар аҳолини иш билан таъминлаб, бозорда маҳсулотлар миқдори ва сифатининг ошишига салмоқли ҳисса қўшаётир. Улар орасида хатто экспортни фаол йўлга қўяётганлари ҳам кам эмас.

Шулардан бири пойтахтнинг Учтепа тумани Фозилтепа маҳалласида истиқомат қилувчи Ғафур ота Муслимов оиласидир.

3-бет

Президент ташрифидан сўнг...

ХАЙРЛИ ИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИК- ОСОЙИШТАЛИГИ ВА ЁРУҒ КЕЛАЖАГИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизнинг миллий-диний қадриятларини тиклаш, маърифий исломни ривожлантириш, буюк ажодларимизнинг динимиз софлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссасини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан кўплаб ташаббусларни бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбари Рамазон ҳайити кунини Ислам цивилизацияси маркази қурилиш майдонига ташриф буюриб, иншоот пойдеворида тамал тоши қўйгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

ЎЗА муҳбири дин арбоблари, зиёлилар, маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари раҳбарияти марказ ҳақидаги фикрлари билан қизикди.

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий:
— Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳим. Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг эртанги кунини, фаровон келажагини қўлаб барча соҳада улкан ўзгаришлар қилинапти. Бу ўзгаришларни бутун халқимиз қўллаб-қувватлаяпти.

Президентимиз ўтган йили 1 сентябрь — Қурбон ҳайити кунини Ҳазрати Имом мажмуасига келиб, Ислам цивилизацияси марказининг қурилиши, мақсад ва вазифалари юзасидан кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг мазкур мажмуа ёнидан ўн гектарга яқин ер ажратилиб, ишлар жадал бошланди.

Давлатимиз раҳбари шундай улғу айём кунини марказ қурилишининг бошланаётгани замирида эзгу ният, чуқур маъно-мазмун мужассам эканлигини таъкидлади. Бу марказни қуришдан мақсад ислом маърифатини ўрганиш, буюк ажодларимизнинг бой меросини халқимизга, дунё ҳамжамиятига етказиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш эканлигини қайд этди.


Дарҳақиқат, динимизнинг гуллаб-яшнаши, ислом тамаддуни юксак даражага кўтарилишида ажодларимизнинг ҳиссаси бекиёс. Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бухарониддин Марғиёний, Абу Ҳафз Кабир каби улғу алломалар исломнинг асл моҳиятини бутун дунёга ёйган. Бундай улғу зотлар мероси, қадам-жолари диёримизнинг деярли барча гушаларида мавжуд бўлиб, юртимизга келаётган меҳмонлар ҳаммасини зиёрат қилишнинг имкони йўқ. Ислам цивилизацияси марказида ажодларимиз мероси, таълимотлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади. Ушбу марказнинг асосий ғояси улғу алломаларимизнинг ислом ривожига улкан ҳиссасини тарғиб этиш, тарихимиз, маънавий меросимизга дунё эътиборини қаратишдан иборат. Президентимиз таъкидлаганидек, бу йўлдаги барча саъй-ҳаракатларимиз ёшлар таълим-тарбиясига, халқимиз тинчлик-осойишталиги ва ёруғ келажагига замин яратади.

Шоазим МИНОВАРОВ, Ислам цивилизацияси маркази директори:

— Президентимизнинг Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини барпо этиш ҳақидаги қарори қабул қилинганидан сўнг кенг камровли ишлар бажарилди. Марказ ташкил этилгани ҳақидаги хабар бутун дунёда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ушбу хайрли ният замирида ётган сабаб, яъни таҳликали оламда ёшларни зуравонлик, экстремизм ва радикализм мафқурасидан химоя қилиш, буюк ажодлар меросини келажақ авлодлар учун асраш ва тарғиб қилиш истаги дунёдаги ҳамкорларимиз ва дўстларимиз орасида катта қизиқиш ва хайрихоҳликка сабаб бўлди.

3-бет

Лола КАРИМОВА: Гдляннинг инсофи бўлса, ХАЛҚИМИЗДАН КЕЧИРИМ СЎРАШИ КЕРАК



Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, жумладан, интернет сайтларида собиқ шўро даврида Ўзбекистон халқига нисбатан қатагон олиб борган "десантчилар" сардори — Тельман Хоренович Гдляннинг 1983-1989 йилларда республикамиздаги фаолияти давомидаги муҳим қатагон жараёнига баҳо бериб, уни керак бўлса, Гаага халқаро судига бериш ва қатъий жазолаш масаласи кенг муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Адлия вазирлиги

Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлари доктори Лола Каримова Т.Гдляннинг ўзи ва яқинларига нисбатан зуғуми ва адолатсизлиги ҳақида гапириб берди.

— Хотирамда ўша доғули кунлар дахшатли муҳрланиб қолган. Мен, ота-онам, оиламиз аъзолари ва қариндош-уруғлар, қуда-андалар, жами 45 яқинимиз бу жараённинг бевосита иштирокчисига айланганмиз ва қаттиқ жабрини тортганмиз. Оммавий ахборот восита-

ларида Гдлянга нисбатан қўлланилаётган фикрга менинг ўз қарашим бор. Уни шунчаки жиноятчи, деб эмас, балки миллатга қарши қирғин уюштирган ғаддор, қўли қонга ботган ашаддий қотил, деб баҳолаш керак бўлади. Чунки у халқимиз ва миллатимизнинг энг сара намоён-

даларини бадном қилиш, рухий ва жисмоний таҳкирлаш, уларни узоқ муддатга қамаб юбориш, оғир азоб-укубатларга дучор қилиш ва қийнаб ўлдириш каби жиноятларга бевосита алоқадор.

5-бет

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА

МАЙДАНАКНИНГ
КЎККА ТИКИЛГАН
КЎЗЛАРИ

ЮКСАК ИШОНЧ
ВА ШАРАФЛИ
МЕҲНАТ

ПУЛИМ
КЎПАЙСИН
ДЕСАНГИЗ

Криминал: АҚШ
ГЕНЕРАЛИНИНГ
"ТОШКЕНТЛИК
МАЪШУҚАСИ"

3-бет

Бошланиши
1-бетда

Жамоатчилик вакилларида иборат комиссия аъзолари томонидан ҳудуддаги мавжуд вазиятни тубдан яхшилаш мақсадида "Йўл харитаси" тузилди ва вазифалар белгиланди. Маҳалладаги 17 кўчада жойлашган 1405 хонадон бирма-бир кўздан кечирилиб, муаммолар ўрганилди. Коммунал хизматлар, уй-жой, бандлик, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлар аниқланиб, аксариятига жойида ечим топилди.

Аслиддин Жалоловнинг гапларида муболага йўқ. "Ғалаба" маҳалласидаги ишларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Айниқса, янги уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор берилётгани қувончли.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саида Қулматованинг айтишича, аҳолидан тушган мурожаатларнинг асосий қисми уй-жой муаммоси билан боғлиқ. Эндиликда барак ва кўрмисиз уйлар ўрнида намунавий лойиҳа бўйича ҳар бир 4 сотих томоркага эга бўлган 400 икки ва уч хонали уйлар қурилиши белгиланди.

— Янгиланган лойиҳалар бўйича барпо этиладиган уйлар нарх параметрлари, сифат тавсифлари ва шинамлиги бўйича Марказий Осиёда ўхшаш йўқлигини таъкидлаш зарур, — дейди Саида опа. — Бундай уйлар биринчи гада узок йиллар яшаш шароити оғир 54 ўйда истикомат қилиб келаётган аҳолига берилиши уй эгалари қувончига қувонч қўшди. Ана шулардан бири — Норқўзиёвлар оиласи. Бундан 6 йил аввал хонадон соҳиби бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан кўз юмди. Рўзгор юки тўрт фарзанд билан чирқиллаб қолган хонадон бекас зиммасига тушди. Аммо қишлоқда иш йўқлиги, уйи ҳам тўқилмади, деб тургани оила аъзоларини янада қийнаб қўйди.

Маҳаллада қурилатган янги уй-жойлар эҳтиёжманд оилаларга берилиши билан бирга, уларнинг фарзандлари доимий иш ўрни билан ҳам таъминланган. Бу ғамсўрликдан улар руҳланиб, қурилатган янги уй-жойларда ўзлари ҳам бош-қош бўлиб, ишчиларга қўмақ берадиган. Одамнинг яхши яшаш ва фаровон ҳаёт кечириши учун биринчи гада уй-жой зарур. — Жамоамиз 48 квартирага эга бўлган 2 та тўрт қаватли уй қуришти, — дейди "Тошбулоқ Гроуп" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Ибодулло Муқимов. — Квартираларнинг 24 таси уч хонадон иборат. 86 нафар қурувчимиз ҳар икки уйнинг учинчи қаватини ёпиб, тўртинчи қаватига иш бошлади. Аслида режага кўра, ноябрь ойида қурилишни якунлашимиз керак. Лекин иш суруъати шу зайдда кетса, Мустақиллик байрамигача уйларни эгаларига топшираемиз.

— Ишимиз кундан-кун жаддалашаяпти, — дея суҳбатга қўшилди янги терувчилар бри-



ЎЗА олган сурат

БАҲОРДА КЕЛГАН КУВОНЧ

гадаси бошлиғи Абдулла Мурсмонов. — Чунки қурилиш материалларидан тақчиллик бўлгани йўқ. Ҳамма буюртмаларимиз вақтида келтириляпти. Ишлаш, дам олиш учун шарт-шароит яратилган.

Сектор раҳбарининг ёрдамчиси, капитан Мирзааҳмад Абдухалилов билан маҳалла кўчаларини айланиб эканмиз, амалга оширилган ва ошириляётган ишларни кўриб, завоқимизни яширмадик. Хашарчимиз, қурувчимиз ёки уларга қўмақлашган маҳаллий аҳолими, катти назар, барча иш билан банд. Уларнинг иштиёқ билан ишла-

лаштиришда қурувчи усталарга қўмақлашгани зиммасига олган. Бу ердаги ободончилик ишлари учун банкимиз томонидан 50 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, маҳалланинг "Тараққиёт" кўчасида истикомат қилувчи кам таъминланган оилалар хонадонларини таъмирлаш, ободонлаштиришга қўмақлашяпмиз. Балиқчиликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга қўмақлашш мақсадида "Арнасоё ФИШ" фирмасига 500 миллион сўм кредит ажратилди. Янги қурилатган коттежларнинг 80 та-

ев. — Шу кунгача бу ерда 6 миллион сўмлик иш бажардик. 13 километр узунликда янги ичимлик суви тармоқлари тортилди. Жамоамиз аъзолари туман ҳокимияти давлат хизмати идораси, Хотира майдонида олиб бориляётган қурилиш ва таъмирлаш ишларида ҳам иштирок этишти.

Биз сўз юритаётган маҳаллада соҳибларини кутаётган янги уйлар, болажонларни бағрига қорлаган боғча, матмурий бинолар, савдо шохобчалари, асфальт ётқизилган кўчалар ана шу эзгу интилиш мевасидир. Бу ўзгаришлар нафақат "Ғалаба" маҳалласи аҳолини, балки барча-мирзақўлликларни қалбига қувонч бағишляпти, десак муболага бўлмайди.

— Худо хоҳласа, яқин кунларда жамоамиз янги маъмурий бино ва замонавий лабораторияга эга бўлади, — дейди туман санитария эпидемиология станцияси бош шифокори Азамат Абдуқодиров. — Лойиҳалашда 2 миллион 654 миллион сўмлик иш бажариляпти.

"Ғалаба" маҳалласида олиб бориляётган ишларнинг қўламини кенг. 3200 нафардан зиёд юртдошларимизнинг қишлоқ кўчаларида, уй-жойлар атрофида амалга ошираётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари кишини хайратга солади. Атиги 40 кун олдин бу ерга келган одам тор кўчалар, ноқонуний қурилган айқаш-уйқаш биноларини, тушқун кайфиятдаги одамларни учратган бўлса, бугун аксини кўради. Инсонларнинг бир-бирларига дўстона ва самимий муносабати, атрофдаги ўзгаришлар кўнгилни нурлантиради. Мухими, ҳамма белгиланган вазифаларни сидқидилдан бажаряпти.

Шу ўринда "Обод қишлоқ" дастури бўйича туман марказий штабидан олинган маълумотномадаги айрим фактларни келтириб ўтсак. Туман электр тармоқлари корхонаси шу кунгача 17,01 километр узунликдаги электр тармоқини тортиб, 4 трансформатор пунктини мукамал таъмирлади. Худудда 30 ичимлик суви қудуғи барпо этилиб, 68 канализация қудуғи тозаланди. Йўлсозлар 2898 метр масофага янги лотоклар ўрнатди, 590 тонна бетон, 2050 тонна қум-шағал ётқизиш ишларини бажарди.

Шунингдек, 15 километр узунликдаги газ қувурлари қайта монтаж қилиниб, газ таъминоти яхшиланди. 23000 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари ташиб кетилди.

Худудда меҳнатга лаёқатли аҳолини ва коллеж битирув-

чилари бандлигини таъминлаш йиллар давомидаги муаммога айланиб келган. Дастур доирасида бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, қисқа фурсатда "Мирзачўлтекст" енгил саноат мажмуаси ишга тушди. Дастлаб 200 ўринли текучеҳи иш бошлаган бўлса, айни кунда умумий қиймати 9 миллион АҚШ долларини ташкил этган ил-қалава, мато ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Мирзачўлтекст" фабрикаси ишга тушиб мўлжалланмоқда. Натижада мажмуада 450 нафар хотин-қиз янги иш ўринларига эга бўлади.

Уйи ободнинг кўнгли, обод бўлади, дейди халқимиз. Текучеҳида ишляётган 200 хотин-қизнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, қалблари қувончга лиммо-лимиларини ҳис этдик.

— Мен бичувчиман, — дейди Хуршида Хотамова. — Узок йиллардан бери баракда яшардик. Бир томондан иш тополмай, жуда қийналардик. "Обод қишлоқ" дастурига бош-қош бўлган Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Яқинда намунали лойиҳа асосида қурилган 3 хонали уйга эга бўлдик, иш билан таъминландик.

— Мен 47 ёшдаман, — дейди Ҳадича Мамажоновна. — Оиламиз билан баракда яшаб, кўп қийинчиликлар кўрдик. Бизни бир йўла ҳам ишли, ҳам уйли қилган Президентимиз баракга топсинлар. Албатта, уларнинг ишончини оқлаш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

Ха, Мирзачўл яқин кунларда кўркам, барча қулайликларга эга замонавий шаҳарга айланади. Бунга шубҳа йўқ.

Ўқтан АБДУЛЛАЕВ,
"Hurriyat" мухбири
Жиззах вилояти

ЭЗГУЛИК

Инсон тўқис ҳаёт кечиришни истайди. Бахт пулга сотиб олинмайди. Бироқ пул бўлса рўзгорни тўқис қилиш, фарзандлар ва яқинларига бемуҳтожлик имконини ҳада этиш мумкин. Бу бахт ёки бебахтлик саналмаслиги аниқ. Асосийси, фаровон турмуш сари янада қулайликларга эга ўзга бир олам эшигини очади.

Бадавлат бўлиш ҳам ўйлаганимиздек осон эмас. Бугунги шиддатли жараёнларда ҳар бир мамлакат ўз фуқароларини давлатманд қилишга, уларга кўпроқ имтиёзлар беришга қаратилган изчил сиёсат юритаётгани қувонарли ҳол. Мақсад-мудлоа инсонларни бекаму кўст яшашга лойиқ эканлигини нафақат уқтириш, балки бу йўлда беминнат ёрдам кўрсатишнинг мукамал механизми ишлаб чиқилиб, йўлга қўйилганлигидир.

Юртимизда ҳам бу борада амалий саъй-ҳаракатлар бўй кўрсатмоқда. Рухшунос Харв Экертнинг фикрича: инсон бой бўлиши учун битта нарсаси — фикрларини ўзгартирса бас. Унинг ҳаёти ҳам ўзгаради. Жорий йилнинг 7 июнь кунин Президентимизнинг "Хар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Ушбу қарор юртимиздаги улкан тараққиётга тушов бўлаётган қарашлардан қутулиш пайти келганини яна бир бор исботлади.

ИМТИЁЗ ВА ТАЛАБ

Хитойда 2014 йилда ҳукумат тадбиркорлик ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича янги сиёсатни эълон қилгандан кейин мамлакатда 21,5 миллиондан кўпроқ янги компания ташкил этилганлиги ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар берган. Бунга сабаб, давлат қорхоналар учун солиқларни секин-аста қисқартиргани ва бюрократик тўсиқларни бартараф этгани, турли босқимлар ва тўловлар миқдорини қамайтирганидир.

Хабарда таъкидланишича, тадбиркорлик ва инновацияларни оммавий ва жадал ривожлантириш истисодиёт ўсиши учун янги импульс бўлди, янги иш ўринлари яратишга ва аҳоли даромади ўсишига ёрдам берган. 2014 йилдан бошлаб юқори технологиялар соҳасида 4,2 мингдан кўпроқ янги қорхона ташкил этилган, улар 120 мингдан кўпроқ стартапга хизмат кўрсатиб, бунинг орасидан 870 миллион долларга яқин пул ишлаб олган.

Шунингдек, иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаяётган секторларидан бири савдо бўлиб, бунда электрон савдо улуғи орта бошлаган. 2017 йилда Хитойда онлайн-савдо ҳажми 28 фоизга, маҳсулотлар етказиб бериш ҳажми 30 фоизга ошган. Айниқса, шеринг-га асосланган бизнес яхши ривожланиш босқичига ўтган.

Аҳоли сонини салкам икки миллиардга қоралаб қолган ўлка дастурхонини тўқиндигини таъминлаш ҳам қана меҳнат талаб қилмайди, албатта. Бу дийрда иқтисодий ўсишга хизмат қиладиган ҳар қандай қўллаб-қувватлаш юқори баҳоланади. Унга жавобан эса нуфузли йирик компаниялар ташкил топмоқда. Бизнинг аминда ҳориж тажрибасини ўзлаштирган ҳолда бир қанча фаол тадбиркорлик қоялари ҳаётга татбиқ этиляпти.

ЎЗБЕК МЎЎЖИЗАСИ... БЕДОРЛИК ВАҚТИ

Инновацион технологиялар механизми ютуққа эришяётган қанчадан-қанча тадбиркорларга суняч бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар негизда импорти қамайтириб, экспортни буткул янгича шаклда изга солиш тараққули қўрилмоқда.

Қарорда "...харидоригар маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини бўлган оилаларга тақдиротларини ўтказиш ва сотиб олишга қўмақлашш; тадбиркорлик билан шуғулланаятган ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда айрим сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари ва ҳунармандлар фаолиятини қайта тиклаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳамда мавжуд муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам бериш..." кўзда тутилган.

Яна ҳам муҳимроқ жиҳатига эътибор қаратинг: "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Дастур доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларга устувор равишда кафилиликлар ва фойза-жаражатларини қоплаш учун компенсациялар ажратсин...". Бу қарор "Ўзбек мўъжизаси" бўлди, дейиш мумкин.

Очигини айтганда, юртимизда аҳолининг тадбиркорликка бошлаш борасидаги ишлар қатъий тартибга солинмоқда. Бу тез орада ҳал бўлиб қоладиган, осон битадиган иш эмас, албатта. Мазкур соҳадаги ислохотлар фойда бериши учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб олдинга талпинишимиз керак. Бугун бедор яшашнинг вақти келди. Ростини айтсак, тадбиркорлик ҳолатини ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан янги ўзганга бурмасак, биров четдан келиб оғиримизни енгил қилмайди. Қувончлик билан амалга ошириляётган ислохотларга бош қўшиб, тадбиркорлик қилиш маданиятини юксалтириб, инвестиция жалб этишни йўлга қўйиш учун жонини нисор этмоқлик дуруст. Шундангина бизнинг мақсадимизга айланган олис манзилларнинг захматли йўллари чаровон бўлади.

Ғайрат ШИРИНОВ,
ЎЗА мухбири

» Луқма

Эрталаб ишга кетаётганда кўп қаватли уйларнинг пиёдалар йўлагига турган машиналар орасидан туртиниб-суртиниб ўтишингизга тўғри келади. Бир-икки кўча юриб, махсус қурилган "автотураргоҳ" ёнидан чиқасиз. 15-20 та автомобиль қўйса бўладиган жой бўм-бўш турибди.



Ўйлаб қолсан, киши. Нега одамлар ўнғай, хавфсиз, аҳолига ноқулайлик туғдирмайдиган жойдан

фойдаланишмайди? Бунинг икки сабаби бор.

Биринчидан, автотураргоҳлар пуллик хизмат кўрсатади. Бир ойга тахминан 80 минг сўмдан

120 минг сўмгача. Кўп қаватли уйлар, ҳатто, подъезд ва пиёдалар йўлакларини, шахсий уйлар ён атрофига уловининг текин қўйиш имкони бўлса, пуллик хизматдан фойдаланиш шартми? Зотан, у ёнингга бўлса хўп-хўп, бир ёки икки километр узокда бўлса-чи? Иссиқ-совуқда шунча йўл босиб, машина жойлаштириш зарил кептими?

Иккинчидан, ҳозирги автотураргоҳлар замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайди. Обҳавонинг иссиқ-совуқ, қишқировлиги эътиборга олинмаган. Фақат усти ёпилган, атрофларига темир панжара ўрнатилган, холос.

Пойтахтимизнинг "Тулобод" маҳалласида 1 та кўп қаватли замонавий автотураргоҳ бор. Бундай биноларни маҳалла ва марказларда қуришнинг мавриди аллақачон келган.


Хайрли ишлар халқимиз тинчлик-осойишталиги ва ёруғ келажагига замин яратади

Бошланғич
1-бетда

Бугунги кунга қадар жаҳондаги 20 дан ортиқ ҳудуд шундай марказлар билан алоқа ўрнатди. Жумладан, Англияда Кембриж университети, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Британия музейи ва кутубхонаси, Истанбулдаги қатор илмий-текшириш институтлари, Түпоки музейи, Франция ислом маркази, Париждаги Лувр музейи, Париж миллий кутубхонаси, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж давлат музейи ва бошқа қатор етакчи муассасалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 7 та меморандум имзоладик. Марказ кутубхонаси учун 400 дан ортиқ нодир қўлёзмалар харид қилинди, юртдошларимиз ўзлариди қўлёзма нусхаларини ҳада этмоқда. Улар орасида Бобурийлар даврида Дехли ва Лахорда қўйрилган Қуръони карим нусхалари, Пайғамбаримиз тарихига оид манбалар, шунингдек, буюк боболашимиз асарларининг турли тиллардаги тошбосма нусхалари бор.

Ислом цивилизацияси маркази қошида Ислом маданияти ва санъати тарихи музейи фаолият қўрсатади. Айни пайтга қадар музей учун 200 га яқин ноёб экспонат жамланди. Юртимиздаги музейларда сақланаётган, вақтинча фойдаланилмаётган экспонатлар, турли марказлар, кутубхоналардаги қўлёзмалар рўйхати ҳам шакллантирилмоқда. Уларнинг электрон нусхаларини олиш, ўзаро маълумот алмашиш устида иш олиб борилмоқда.

Хорижий мамлакатларда Ўзбекистонда диний таълим ва маърифат, илмий-маданий меросни асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, диний таълим муассасалари ҳақида тақдиротлар ўтказилмоқда. Ушбу тadbирлар Ўзбекистоннинг халқаро имижини ошириш, юртимизга



бўлган хурматни мустаҳкамлаш, халқимизнинг имон-этикод, маънавият ва маърифатга интилишини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Мирзо КЕНЖАБЕК, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси, шoir:

— Президентимиз мазкур маросимда зиёлилар билан ўтказган самимий суҳбатда мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ҳаётнинг асос ва истикболлари ҳақида сўз юритиб, долзарб вазифаларни белгилаб берди. Ислом цивилизацияси марказининг ташки қўрилиши билан бирга унинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. У фақат тарихни акс эттирувчи жонсиз манзарага айланиб қолмасдан, исломнинг ҳаёт дини эканини исботловчи, буюк илму маърифат, одоб ва ахлоқ, маънавият ва маданият, олий инсонпарварлик тамойилларини кўрсатувчи кўзгуга айланиши зарурлигини таъкидлади.

Ислом цивилизацияси маркази Марказий Осиёдаги, ҳусусан, юртимиздаги диний юксалиш жараёнини тарихий даврага бўлиб, ўтмиш сифатида акс эттириши етарли эмас, балки ҳар бир соҳа илмини муайян кенгликда акс эттириши лозим. Масалан, жаҳон ақида (этикод ёки илми калом) мактаби, тафсири, ҳадис, фикҳ ва тасавуф мактабларининг тарихий

ва замонвий жараёнлари марказ фаолиятида ўз аксини топиши зарур.

Юртимизда шайхлик-муридлик, устоз-шогирдлик мактаблари асрлар оша давом этиб келган. Ҳар бир алломанинг ўз илм-маърифат даргоҳи бўлган. Соф имон-этикодага эга бўлиш, ёшларни тўғри камол топтириш учун мазкур таълим даргоҳларини тиклаш, ана шу асосда давримиз талабларига мувофиқ илмий ҳодимлар етштириш бугунги кундаги муҳим вазифалардандир.

Раҳимберди РАҲМОНОВ, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби вазифасини бажарувчи:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь кунини ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш бўйича имом-хатиблар билан тарихий учрашув ўтказган эди. Орадан бир йил ўтиб, Рамазон ҳайити кунини яна бир улуг ишга қўл урилди. Ушбу улуг амалининг муборак айёмида бошлангани заминда чуқур маъно бор. Ислом цивилизацияси марказининг Ҳазрати Имом мажмуасида барпо этилиши юртимизда ислом оламида тутган нуфузини намоён этади. Орадан йиллар, асрлар ўтади. Аждодларимизнинг Қуръони карим қироати ва тафсири, фикҳ, ҳадис, баловат илми, араб тили ривожига доир бебаҳо

мероси жам бўладиган ушбу маскан ёшларимиз, хорижлик меҳмонларнинг ота-боболаримиз ким бўлгани, халқимизнинг қандай буюк меросга эга халқ экани ҳақидаги тасаввурини бойитадиган, унга ҳурмат уйғотадиган зиёратгоҳ бўлиб неча-неча авлодларга хизмат қилади.

Президентимиз дин арбоблари, маҳалла фаоллари, меъморлар, мутасаддилар билан суҳбатда аждодларимизнинг турли давлатларда сақланаётган асарлари фотонусхаларини олиб келиш зарурлигини таъкидлади. Бу табаруқ масканга келган киши Ўзбекистоннинг ислом тамаддунинга қўшган ҳиссаси билан танишиб, унинг ислом оламидаги залворли макомини ҳис қилсин, деди давлатимиз раҳбари. Дину диёнатга қаратилган бундай эътибор исломнинг нуфузини ошириш, халқларни имон-этикод, маънавият-маърифатга қорлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Абдуқаҳҳор ТУРДИЕВ, лойиҳа бош меъмони:

— Ушбу марказ концепциясида улуг алломаларимизнинг меросини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш гояси чуқур ифода топган. Уч қаватли бино лойиҳасидан кутубхона, қороз ва ёзув тарихи, аждодларимизнинг ислом дини, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, санъат, таъ-

лим, шаҳарсозлик ва меъморлик, анъана ва урф-одатлар, Усмон Қуръони каби заллар ўрин олган.

Бу ерга келувчилар дастлаб аждодларимизнинг ислом дини ривожига қўшган ҳиссаси, ҳаттолик, меъморлик, санъат ва маданиятимизга оид нодир буюмлар, ашёлар билан танишади. Бино тарқи шундай қизилганки, бир зални кўрмасдан бошқасига ўтиб бўлмайди. Энг охирида, юқори қаватдаги Усмон Қуръони турган залда таралаётган нур рамзий маънода бу ерда олинган барча таассуротларни жамлаб, зиёга айлантиради. Аслида ҳам мақсад марказни зиё таратувчи, ёшларни илм-маърифатга ундовчи қутлуғ масканга айлантиришдир.

Президентимиз тавсиялари асосан Ислом цивилизацияси марказининг замонвий архитектура меъёрлари асосида пухта лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга қўра бино пештоқи Самарқандаги Улугбек мадрасаси пештоқига ўхшаб, юқори қисми гумбази қилиб қурилади. Бинода, шунингдек, ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар, анжуманлар зали, хизмат хоналари, бошқа объектлар жойлашади. Марказ биниси кўп мақсадли бўлиб, бу ерда олимлар изланишлар олиб боради, турли кўргазмалар ташкил қилинади. Фанлар академияси бўлими ҳам жойлашади. Уларни алоҳида алоҳида ва бир-бирига мослаштириб лойиҳалаш зиммасида эди. Олимлар, жамоатчилик вакиллари, меъморлар ҳамкорликда лойиҳани тайёрладик.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва гояси асосида барпо этилаётган мазкур ишпоот қисқа фурсатда мазмуни ва меъморий ечим билан нафақат пойтахтимиз, балки бутун ислом оламининг ноёб кўзгусига айланади.

**Ўза мухбири
Матназар ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди.**

Табақкалган бошланган ишончли бизнес

Бошланғич
1-бетда

Бу оиланинг аҳилиги, меҳнатсеварлиги ва уддабуронлиги барчанинг ҳавасини келтиради. Фафур отанинг ўғиллари — Умиджон ва Хуршиддон алоҳида-алоҳида оилавий қорхонани бошқаришади. Мазкур қорхоналарда айни пайтда ўттиздан ошқ киши меҳнат қилмоқда.

Хуршид Муслимов бошчилигидаги “Хафиза нур” қорхонаси кунига дазмол тахтасининг 25 хилдан 100-150 донга, кийим қурилтадиган жиҳозларнинг турли хилларини ишлаб чиқармоқда. Цехда ўналаб ишчилар юмуш билан банд. Бир томонда йирик дастгоҳлар турли эҳтиёт қисмларга шакл берса, иккинчи томонда темирчи пулат қувурларни турли ўлчовларда аралайди. Бир ёнда аёллар мато тикиш ва елимлаш билан банд. Яна бир ёнда махсулотлар йиғилмоқда.

Жараён четдан қараганда оддийга ўхшаса-да, ишнинг салмоғи катта. Наҳотки, оддий дазмол тахтасининг бозори шунчалик чаққон бўлса, деб сўраймиз Хуршид акадан.

— Кўпчилик шу фикрни билдиради, — дейди Х.Муслимов. — Аммо бу махсулотга ички бозоримизда талаб катта. Бу йўналишда мамлакатимизда йиғирмадан ортиқ қорхона бор.

Х.Муслимов билан суҳбатда тadbиркорлик тарихи билан қизиқдик.

— Фаолиятимиз бундан ўн беш йил аввал коллежда ўқувчилик кезларимда бошланганди, — дейди у. — Отам ишдан бўш вақтларида турли буюмлар ясарди. Бир кун темир оёқ ўрнатилган дазмол тахтасини ясаб, акам иккаламизга уни бўяшни, оймга эса устига ёпилаб тикишни буюрди. Тайёр бўлгач, қарасак, мустаҳкам дазмол тахтаси чиқибди. Шунда олим ҳазиллашиб “Бунинг бозорда сотсак ҳам бўларкан”, деб қолди. Бу гап отамга маъқул тушди.

Биринчи хомашё учун эллик минг сўм пул тикилгани хануз ёдимда. Ишлатилган темир қувурлар олиб келиб, яхшилаб тозалаганмиз. Отам темирни пайвандлади, акам эса ДСП тахтасини араллади, бўёқ ишлари менга қолди. Ойим матоларни тикиш ва елимлаш билан машғул бўлди. Тўрт донга дазмол тахтасини сотиш учун “Ипподром” бозорига тушдик. Қани энди бирор киши сўраса. Ҳамма Хитойдан келтирилган дазмол тахталарини харид қилади. Чунки у ихчам ва қулай, кўриниши бежирим. Бизники — қўпол, оғир ва кўримсизроқ, нархи ҳам Хитойникидан икки баробар қimmat. Харидорлар нархини эшитибок кетиб қоларди. Миқдорларга махсулотни ўтказиш учун отам дазмол тахталар устига чиқиб пишиқлигини, қўл меҳнатида қилинганини кўрсатарди. Ўша кун тунгачча айланиб, бир амаллаб сотдик. Шу ишга жазм этиб, дастлаб кунига икки донга дазмол тахта ясаган бўлсак, кейин ўнгангача чиқардик. Бозорлардаги дўконларга махсулот тарқатишни йўлга қўйдик. Аммо сотувчилар махсулотимизнинг бозоргир бўлишига ишонқирамасди. Тушқунликка тушганда отам сабр қилишни айтди. Махсулотимиз сифатини ошириб борганимиз учун аста-секин харидорлар кўпайди. Жой қамлигидан бўёқ ишларини болохонада бажарардик. Кишининг соғуғи, ёз жазирасида айвонда ишлардик. Айниқса тўй мавсумида қўл-қўлга тегмай қоларди.

Шунда отам Хунармандлар уюшмасига аъзо бўлиб, беш нафар шогирд олди. Вақт ўтиб бу ишчи кучи ҳам қамлик қилди. Кейин ижарага жой олиб, ишлаб чиқариш учун турли дастгоҳлар, фурнитуралар ясаш учун қолиплар қилинди. Олдин бутун иш жараёни қўлда бажарилган бўлса, кейин техника ишмизни енгиллатди. Махсулотимиз сифати рақобатда хорижникидан қолишмайдиган бўлди. Бу орада маҳаллий бозорга зангалайдиган, енгилроқ қувурлар кириб, ишмизнинг салмоғи ошди. Хомашё сифати дазмол тахтанинг бежиримлигини ошириб, вақтни ҳамда бўёқка кетадиган маблағни тежади. Буюртмалар ортигани сайин ишчилар сонини ошириб, фаолиятимизни ҳам кенгайтириб бордик. 2015 йили акам билан алоҳида-алоҳида оилавий қорхона очиб, “Хафиза нур” қорхонасини мана шу сановат зонасига қўчирдик.

— Бозор — ўзгарувчан. Унга мослашиш тadbиркор учун ҳаёт-мамот масаласидир, — дейди тadbиркор. — Олдин харидорлар арзон махсулотни танлаган бўлса, энди қimmat бўлса-да, сифатлисини харид қилмоқда. Айни кунда махсулот брендининг замоний янги белгисини яратиш устида ишляпмиз. Қадоклаш ускунасига Хитойга буюртма берганмиз. Агар мана шуларни ҳал этсак, махсулотларимизни бемалол хорижга экспорт қила оламиз. Қўшни давлатлардан келган харидорлар махсулотларимизга қизиқиш билдирмоқда.

Тadbиркорнинг эришган ютуқларини эшитиб, уни бугун қийнаб турган муаммолар бормикан, деб қизиқдик.

— Айни дамда ишлаб чиқараётган махсулотимиз ҳамми ортгани боис, жойимиз торлик қилипти. Тайёр махсулотларни қўйишга жой йўқ. Қорхонани кенгайтириш мақсадида Учтепа ҳокимиятидан ёрдам сўраганимизда улар имкони йўқлигини айтишди. Сўнг Зангиота тумани ҳокимиятига мурожаат қилдик. Улар ҳам 3-4 ойдири, жавоб берганлари йўқ. Керакли майдон ажратиб берилса, уч цехимизни бир жойга жамлаб, яна 25 нафар янги иш ўрни яратган бўлардик. Бу махсулотимиз таннархининг арзонлашишига ҳам олиб келади.

“Иккита янги иш ўрни яратган тadbиркорни бошимга кўтараман” деган эди Юртбошимиз. Давлатимиз раҳбари тadbиркорларни қўллаб турган бир пайтда, оилавий тadbиркорнинг мурожаати эътиборсиз қолмас. Яна қўшимча иш ўрни яратаман деб турган бўлса.

Зеро, яқинда эълон қилинган “Ҳар бир оила — тadbиркор” давлат дастурида ҳам бу каби оилалар сафини кенгайтириш, уларга ҳар томонлама қўмак бериш назарда тутилган. Шундай экан, уларга ёрдам берилса, ўз йўлини топиб кетади. Натижада халқимиз бой бўлади. Бу эса давлат бой бўлади, деганидир.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,
Шолазиз ШОХИДОВ (фото),
“Hurriyat” мухбирлари**

Ўн қўлинг берганини ЧАП ҚЎЛНИНГ БИЛМАСИН

Бошланғич
1-бетда

Аммо хайр-эхсон ёки закот нималарга сарф этилаётганини билишни истовчилар ҳам борки, бу борада жамоатчиликка тегишли маълумотларни бериб турувчи фондга эҳтиёж туғилди. Шу мақсадда, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармони асосан, “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

— Авваллари фуқаролар диний мажбуриятларни бажариш чоғида қўллаб тушунмовчиликларга дуч келган. Мисол учун, закот беришни олайлик. Улар кимга ва қандай тартибда закот бериш лозимлигини билмаган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Нуриймон Абулхасан. — Муаммоларни бартараф этиш мақсадида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Эндиликда аҳоли қулай электрон тизими орқали закот ва эҳсонларини кўрсатилган

ҳисоб рақамларига ўтказиш ва масжид, зиёратгоҳ, диний таълим муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган шахсларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссаларини қўйишлари мумкин.

Тарихдан маълумки, юртимизда 1928 йилгача вақф ишлари юритилган. 1929 йилга келиб ушбу фаолият тўхтатилган. Хўш, вақф нима ўзи? “Вақф” сўзи луватларда “тутиб туриш”, “тўхтатиш” маъноларини келади. Унинг шарҳи таърифи борасида эса турли



фикрлар билдирилган. Масалан, уларнинг бирида “Вақф — нарсани Аллоҳ мулки ҳисобида сақлашдир” дейилади. Бу фикрдан англашладикки, вақф ишлари пул ёки мол эгасининг мулкидан чиқиб, Аллоҳ мулкига айланади. Ундан келадиган фойда эса вақф қилувчи тайинланган жиҳатга, мисол учун талабалар, мусофирлар ёки камбағаллар эҳтиёжига сарф қилиниши мумкин. Вақф қилинган нарса сотилмайди, ҳада қилинмайди ва мерос бўлмайди.

Фонднинг асосий вазифалари нималардан иборат, деган саволи-

мизга “Вақф” хайрия жамоат фонди раиси Жалолиддин Ҳамроқулов қўйидагича жавоб берди:

— Фондимиз 10 май кунини Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди. Унинг асосий мақсади юртимизда етишиб чиққан буюк алломаларни дунё маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссасини тарғиб этиш, одамларимизда мурувват, саховат туйғуларини янада ошириб, диний-маърифий соҳага ёрдам бериш, масжидларимизни обод қилиш, унда хизмат қўрсатаётган имом-хатиб ва ноиблар, мутавалли ва муаззинларга моддий-маънавий қўмак беришдан иборатдир. Шунингдек, кам таъминланган, моддий қўмакка эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериш ҳам қўзда тутилган. Фонд маблағлари уч қисмга бўлинади: хайрия бўлими, вақф бўлими ҳамда закот, ушр, фитр ва фида бўлими. Ҳозирги кунда мазкур уч бўлимнинг ҳам

алоҳида ҳисоб рақами мавжуд.

Фондга ўтказмаларни ўтказишда аҳоли учун қатор қулайликлар яратилган. Улардан бири нақд пул орқали тўлов қилинганда, банк ўз хизмати учун ҳақ олмайди. Шаффофликни таъминлаш мақсадида фондга тушган маблағлар ҳар қўни эълон қилиб борилади.

Шу билан бирга, пул ўтказмаларини пластик карталар орқали, ҳисоб-рақамдан ҳисоб-рақамга ва мобил телефонлар орқали амалга ошириш имконияти бор. Пойтахтимиздаги ўн икки масжид ва Зангиота мажмуасига биттадан инфокиоска ўрнатилган. Аҳоли улар орқали бемалол закотларини, фида ва фитр-садақаларини беришлари мумкин.

Мазкур фонд иш бошлаганига оз фурсат ўтганига қарамай, қўпгина саховатпеша инсонларни бир мақсадда жамлашга эриш-

ди. 14 июнь кунги маълумотларга қўра, фондга келиб тушган жами маблағ ярим миллиард сўмдан ошган. Закот бўлимига келиб тушган маблағлар фонд томонидан аниқ манзилларга — жарроҳлик амалиётига муҳтож беморлар, уй-жойи йўқ оилалар, моддий ёрдамга муҳтож ҳамда фарзанди жазони ижро этиш муассасасида бўлган оилаларга тарқатилмоқда. Жумладан, ўтган ҳафта шундай аҳволдаги 43 оилга 62 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам қўрсатилди. Бундан ташқари, фонднинг Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё вакилликлари ҳам моддий ёрдамга муҳтож саксондан ошқ оиллага озиқ-овқат ва кийим-кечак улашди. Айни эзу амалга бош қўшаётган юртдошларимиз ҳам бу ишлардан бениҳоя мамнун бўлишмоқда. Улар саховат йўлидан бораётганларига бир шодлансалар, фондга жўнатаётган маблағлари тўғри сарф этилаётганини қўриб, икки қарра қувониммоқда. Эҳтиёжмандлар эса саховатпеша инсонлар ҳаққига ҳайру-дуолар қилишмоқда.

Гўзал МАЛИКОВА

Шодмонкул САЛОМ

**Бошланғич
1-бета**

— Лола опа, Гдлян билан яқиндан суҳбатлашганимиз? Ундан қандай жабр чекдингиз?

— Отам Абдувоҳид Каримов 1974-1984 йилларда Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари партия қўмитаси биринчи котиби бўлган, 1984 йилдан Ўзбекистон сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимда ишлаган.

1984 йил 11 августда Қашқадарёдаги хизмат сафари чоғида тўнча Қарши шаҳридаги виллоят сув ҳўжалиги бошкармасининг меҳмонхонасидан Гдлян тергов гуруҳи томонидан ушлаб кетилган. Энг дахшати, бу ҳақда оила аъзоларига, раҳбариятга, бирор-бир кишига 3 ой давомида хабар берилмаган. Мен ўша пайтда Тошкент давлат университетининг юридик факультетини битириб, илмий иш қилиш мақсадида Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтига йўлланма олган эдим. Хали ишга кириб улгурмаган эдим...

9 нафар фарзанд (уларнинг бештаси вояга етмаган эди), ўз оиласи билан яшаш-ётган опаларим ва акамнинг уйларида шу кунга қўқисдан 45 кишилик Гдлян катта гуруҳи аъзолари келиб, тинтувни бошлаб юборади. Мен ва онам (Меҳринисо Каримова) отам билан бирга Қашқадарёда эдик. Тошкентда бўвим ва кичкина болалар қолган эди. Биз Тошкентга қайтганимизда уйимиздаги барча ҳужжатлар, ашёлар, кийим-кечаклар, оилага алоқадор буюмлар олиб кетилган ва катта оиланинг кун кечирлиши учун ҳеч нарса қолдирилмаган эди. Бизни отамнинг қутулмаганда йўқолиб қолгани кўпроқ ташвишга солар эди.

Мен Давлат хавфсизлик қўмитасининг биз таниган, хизматда масъул лавозимда ишлаган Очил Муртазоевнинг уйига бордим. Қизини чақириб, отам ҳақидаги маълумотни отасидан билиб беришини илтимос қилдим. Лекин бу масала уларга тегишли эмаслигини, эҳтимол отамни тергов гуруҳи олиб кетган бўлса керак, деган тахминни айтди. Орадан бир ой ўтди. Лекин ҳеч қарердан хабар бўлмади, мижога қокмадик, отамизнинг тирикчилиги ёки ахволи қандай экани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигимиз бизни қаттиқ изтиробга солар эди. Ўзбекистон прокуратурасига борганимда, остонасига ҳам қийнаштиришмади ва қўриқчилар орқали ҳеч нарса билмаслигини, фақат Москвага бориб масалани ҳал қилиш мумкинлигини етказишди.

Онам ўқитувчи эди. 7 нафар жон онамнинг маошига қараб қолдик. 112 рубль қарз қўтариб, сентябрь ойи охирида Москвага, собиқ СССР Бош прокуратураси тергов бўлими қабулхонасига бордим. Гдлян мени қабул қилишини сўрадим. Икки соатлардан кейин қабулга розилик билдирди ва хонасига киритди.

Терговчи шинам, барча шароитлар муҳайё, деворлари ёрочдан иланган кент хонада сигарет бурукситиб ўтирар, жуда дарғазаб эди. Киришим билан пичинг қилиб: “Хали сенмисан, Абдувоҳид Каримовичнинг юрист кизи? Нима мақсадда келдинг?” деди. Отамни излаб келганимни, унга қандай айб қўйилаётганини, соғлини, ейиш-ичиши қандай эканидан ташвишдалигимизни айтдим.

У истехзоли кулиб, дон-дона қилиб гапирди:

“Отанг шу ерда. Қўрсатма бераяпти. СССР КГБсининг Лефортова тергов изолаторида. Биз жуда катта ишни бошлаб қўйдик. Сенлар – барчанг жиноятчисан, ҳаммасини текширамыз, бу хали “Ўзбеклар иши”га айланади. Бу масалада бутун Ўзбекистонни жиноятга тортса бўлади. Сен билан гаплашиб ўтиришга ортиқча вақтим ҳам, гапим ҳам йўқ”.

“Отамга Тошкентдан кийим-кечак, бироз озиқ-овқат олиб келган эдим, шуни ҳам бера олмаймакми?” – деб сўрадим.

“Йўқ, бунга рухсат бермайман”, – деди у.

“Биз адвокат олишимиз керакми?”

“Йўқ. Ҳеч қанақа адвокат керак эмас. Бизнинг ишимизга ҳеч ким аралашмаслиги керак. Бунга йўл қўймаймиз. Сен хали буни ҳам биласанми?” – деб маъноли қудди ва мендан хонани бўшатганини талаб қилди.

“Адвокат иштирокисиз тергов жараёни қонунга зид эмасми?”

Шубҳасиз, зид эди... Бир томондан қўнғилим озгина тинчиди. Чунки икки ойдан ошқироқ вақт давомида бизни қийнаган саволга ниҳоят жавоб топган эдик: отамнинг тирик эканини билдик. У пайтда сиёсатта ва адолатта ишончимиз юкори эди. Адолат барибир қарор топади, деб қаттиқ ишонардик. Кейин Тошкентга қайтдим. 1984 йил октябрда Москва тергов бўлимида Николай Иванов (Гдлянинг шериги) уйга телефон қилди. “Москва жуда совук, қор туфди, отангизга кийим олиб келинганлар”, деб ўшақни қўйиб қўйди.

Мантиқсизлиқни қаранг. Миллион-

миллион тонна пахта етиштирган ўзбек халқининг ўзи кийимга зор эди. Бечора отам ўша ёзда устига кийиб чиққан енгил либос билан Москванинг совуқ иқлими, зах ва совуқ хибсхонанинг қўриқчилари камерасида азоб чекарди. Билет олишимиз қийин кечди. Импонимиз йўқ эди. Менинг ишга киришим эса отамнинг бошига тушган қулфат туфайли кечиктирилаётган эди.

— **Тергов қанча давом этди? Москвада бўлдингиз?**

— 1984 йили бошланган тергов иши 1987 йилда собиқ СССР Олий судига оширилиб, отамга ўлим ҳукмини эълон қилиш билан якунланди. Бир иш бўйича тергов тўрт йил ҳам бўлиши мумкинми? Прокуратура қўрган ишлар бўйича оқлов ҳукми ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Гувоҳлар қалдан ортиқ қўлиги сабабли суднинг бир қисми Ўзбекистон Олий суди биносига 7 кун, қолган қисми Бухорода 3 кун бўлди. Отамнинг атрофидаги жуда қўплаб одамлар – ҳўжалик, партия раҳбарлари судга тортилди. “Дело” сунъий қўптирилиб, отамни, ўнлаб туман, шаҳар, виллоят раҳбарларидан ҳақиқий халқ жиноятчилари яшаган уринишлар республика бўйлаб оммавий тус олди.

Гдлян ҳозир ҳам матбуотда ўзбек халқи билан ҳеч қандай иши бўлмагани, фақат жиноятчиларга қарши курашгани

қўзи қўрмай қолган. Мен олти ой асосиз ётган бўлсам, акам ва онам тўққиз ойга яқин ҳеч қандай далил-исботсиз азоб чектидим.

Мени 1985 йил 24 апрелда четга чиқмаслик шарти билан озод қилишди. Тилхат ёздириб олишди. Таниш-билишлардан бойлик ундириб келиш вазифаси зиммамга юклатилди.

Чикиб, билдим. Қамалмаган иккита олам – Гулсара ва Гулнорани мол-мулк, пул йиғиш учун биз билган ва билмаган ҳар қандай одамнинг уйига бирма-бир кириб, пул, мол-мулк топишга мажбур қилинган экан. Поччаларимни ҳам роса дўшослаб, азоблашган. Қариндошимиз, таниқли Ўзбекистон халқ хофизини ўлмас Санджонов, халқ қулоли Файзулла Абдуллаев ҳам бу «ўлим тегирмони»га тушиб чикишган эди.

Бу даврда айбсизлик презумпциясига зид равишда нафақат менинг отам, республикадаги бошқа виллоят раҳбарларини матбуотда айблаб, кетма-кет жиноятчилар, порахўрлар, айбдорлар, деб марказий матбуотда мақолалар босила бошланди.

Қашқадарё виллоят обкомининг биринчи секретари Рўздат Ғоипов ўзини ўзи ўлдирди. Жиззат виллоят раҳбари Ҳабибулла Шагазатов, Тошкент виллоят обкомининг биринчи секретари Мирзамаҳмуд Мусахонов, ҳуқуқни муҳофаза қилув-

сира шубҳам йўқ. У шу тариқа мислсиз бойликка эга бўлди.

— **Отангиз тақдирини кейин қандай кечди, ҳукм ижроси қачон амалга оширилди?**

— 1987 йил 29 майда собиқ СССР Олий суди дадамга ўлим ҳукмини ўқиди. Отам бир ярим йил давомида Москвадаги ўлим камерасида афв этишларини сўраб ёзган илтимосномаси жавобини интиқ бўлиб қутар эди. Бу орада инсультни бошидан ўтказди. Ҳукм атайин жума кунини (ҳафтанинг охириги иш кунини) кечки соат 17:30 да ўқилиб, бизга арз қилиш учун имконият қолдирилмаган эди. Бутун суд жараёнида доимий равишда Гдлян гуруҳининг терговчилари гувоҳлар, айбланаётганларга қўрсатмасини ўзгартирмаслик, акс ҳолда уларни қамаш, хибсдагиларни эса оғирроқ моддалар билан жавобгар қилишини эслатиб, қуч ва таъйиниқда суд жараёнига тўлиқ аралашдилар.

Отам ўлимга маҳкум қилинган куннинг эртасига мен, онам ва акам видолашувга кирдик. Шунда отам бизни «Фарзандларим, шуни доим эсда тутинглар, мен жиноятчи эмасман, сизлар бошларингизни баланд қўтариб юринглар. Мен бутун умр халқимизга ҳалол хизмат қилдим, сизлар уяладиган иш қилганим йўқ. Хали бу ишлар очилди, адолат эгилсам синаймиди, агар мени эсламоқчи бўлсанглар, мен

Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовга мурожаат қилдик. Президент дадамнинг ишини Ўзбекистон Олий судига қайта қўриб чиқиш учун қўрсатма бердилар.

Минг афсуслики, Ўзбекистонлик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари отамни олиб келишга улгурмади, 1992 йил 21 январда отамнинг юрак хуружидан вафот этгани ҳақидаги хабар етиб келди. Бизнинг қатъий ишончимизга қўра, дадам ишлари қайта қўриладиган бўлса, албатта, Гдлян ва унинг жиноятчи гуруҳи қош қилинган бўлар эди. Чунки адолатсиз терговга тортилганлар орасида собиқ виллоят раҳбарлари жуда кам қолган эди.

Шу сабабли бу қотилликда айнан Гдлянинг қўли бор, деб ўйлайман. Чунки отамни олиб келиб, юртимизда қўмганда у кишида заҳарланиш аломатлари борлигини шифокорлар тасдиқлашди.

— **Демак, сиз жабрдийда сифатида Гдлянинг қамалиши керак, деб ҳисоблайсиз?**

— Шубҳасиз. Чунки уларнинг фаолиятига ўз вақтида, аниқроғи, 1990 йилда собиқ СССР Бош прокуратураси ҳам ҳуқуқий баҳо берган. Собиқ Иттифок Олий совети бу масалалар юзасидан катта таркибдаги махсус комиссия тузиб, Ўзбекистонга ўрганиш учун юборган эди. Комиссия гдлянчилар тергов гуруҳининг ноқонуний ҳаракатларини юзлаб, минглаб фактлар, ҳужжатлар, гувоҳлар (биз ҳам иштирок этганмиз) ёрдамида ўрганиб чиққан ва улар ишини жиноятқорона фаолият, деб баҳолаган эди.

Собиқ СССР Бош прокуратурасининг 1990 йил 8 февралдаги ҳайат йиғилишида ўта муҳим ишлар бўйича терговчилар Т.Х.Гдлян ва Н.В.Иванов томонидан қонунчилик қўпол равишда бузилгани масаласи қўриб чиқилди. Бошқарма прокурори В.Илюхин саккиз ой давомида бу гуруҳнинг ишларини чуқур ўрганиб, уларнинг, назоратчи прокурорлар, бошқа ходимларнинг ўзбошимчалик, қонунбузарлик, инсон қадриятлари поймол қилиниши ҳолатлари очилиб, суриштирув даврида иботини топганини таъкидлаган. Ҳайъат собиқ СССР Олий Совети, СССР халқ депутатлари бўлими Т.Гдлян ва Н.Ивановни эгалаб турган мансабларидан бўшатилишини ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга рухсат олиш тақдирномасини киритишга қарор қилган эди.

Ҳўш, нега ҳанузгача жавобгарликка тортиш масаласи очик қолди?... Нега бу қарор ҳалигача ижро қилинмапти? Собиқ СССРнинг меросхўри сифатида айнан Россия Бош прокуратураси бу ишни қўриб чиқиши керак эмасми? Ёки тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ўтказиши керак.

— **Орадан ўттиз йил ўтди, Гдлян гуруҳига жазо тайинлаш учун ҳуқуқий муддатлар ўтиб кетмадими?**

— Тергов ишининг ноқонуний олиб бориладиганлиги устидан муддат ўтиб кетганлиги ваки оқланмайди. Иккинчидан, бундай ҳаракатлар инсонийликка зид, қадр-қимматни қамситувчи жиноятлардир ва айни пайтда қийноқларнинг оммавий тусда қўлланилиши ҳолатига муддатлар амал қилмайди. Буни миллиятнинг энг зиёли қатламни оғли ва мақсадли тарзда қириб юборишга уриниш, деб баҳолашга ҳато бўлмайди.

— **Бунинг қандай самарали чоралари ҳақида айти оласиз?**

— Аввало, интернетдаги Википедия маъмурлари билан мулоқотга киришиб, бу валломатларнинг биографияларини тўғри ёзиш зарур. Ўғеки улар жамоат ва давлат арбоби сифатида нақд қаҳрамонга айлантириб ёзилган. Бунга тоқат қилиб бўлмайди. “СССР Бош прокуратураси тергов гуруҳи таркибига Ўзбекистон олий ҳокимиятидаги коррупцияга қарши иш олиб борган”, деган уйдирма талқинларга асло қўшилиб бўлмайди. Тельман Хоренович Гдлян ҳозир 78 ёшда, кексалигини ҳисобга олиб, агар инсофи бўлса, халқимиздан кечирим сўраши лозим.

Албатта, у бундай қилмайди. У ҳозир Москвада яшайпти. Петиция тўплаб, оммавий ахборот воситаларида миллий кампания ташкил қилишни йўлга қўйсақ ҳам бўлади. Охириги ойларида интернетдаги чиқишларидан шундоқ ҳам қаттиқ асабийлашаётгани сезилаяпти. Агар қўли қонга ботмаганида, бундай қалтироқ тутмаган бўлар эди.

Бу жараёнлар шунинг учун ҳам керакки, токи озод Ўзбек миллиятини энди ҳеч қим, ҳеч қачон таҳқирлаб, топтай олма-син. Агар бунга жазм қилган номардлар бўлса, жазоси муқаррар эканлигини чуқур тушуниб етиши керак. Токи биз, бу ўтмишнинг тирик гувоҳлари эканмиз, бунга йўл қўя олмаймиз ва бу сабакдан тўғри хулоса чиқаришимиз лозим.

Лазиз РАҲМАТОВ суҳбатлашди.
(UzA.uz)

Лола КАРИМОВА: Гдлянинг инсофи бўлса, ХАЛҚИМИЗДАН КЕЧИРИМ СЎРАШИ КЕРАК

ҳақида оғзини қўптириб гапирганига ишонманг.

1984 йил 11 ноябрда терговчилар Тошкентдаги уйимиздан мени, Тошкент шаҳридаги 84-умумтаълим мактабидан онамни, акамни ҳам иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик қўмитасининг Гдлян учун ажратилган алоҳида хибсхонасига олиб боришди. Қўлимизни қайириб, ҳудди қайта жиноятчининг тўғандай иккитадан соқни ҳамроҳлигида бордик.

Бизни «Қашқирлар» гуруҳининг яна бир терговчиси Қарияшан исмли шахс алоҳида хонада тергов қилди. Тергов 3 кун, эрталабдан ярим тунгача давом этди. Дўқ-пўписалар, ҳақоратлар эшитдик, акамни роса дўшослашди, онамни қийнашди. Аста-секин зулм салтанатининг адолат ва ишонч ҳақидаги барча фикрлари қуруқ сафсата эканига иқроор бўла бошладим. Барчаси ўта жиддийлашаётган ва туйнук адоғида нур йўқ эди.

— **Сизларга қандай айб қўйилди?**


— Гдлян бу вақтда Тошкентда эди. У барча жараёнларни яққоҳимлик билан бошқарди. Устимиздан жиноят иши қўзғашди. Отангнинг жиноятини яширгансанлар, кирдикорларини билатуриб, тегишли органларга айтмагансанлар, сенларни Сибирга жўнатиб, йўқ қилиб юбораман, деб қўриқтар эди.

Уч кундан кейин учовимизга ҳам жиноятларни яширишда гумон қилинаётган шахслар сифатида хибсда ушлаш тўғрисида Гдлянинг қарорини қўрсатишди. Шу тариқа бизга айблов эълон қилинди. 14 ноябрь кундузи қўлимизга кишан солишиб, мени, онам ва акамни қонвойга солиб, номаълум томонга олиб кетишди. Машина ичи жуда қоронғи ва қаерга кетаётганимизни билмас эдик. Аэропортга олиб боришди. Машинада трапгача бордик. Ёнимда иккита терговчи ва қўриқчи бор эди, қўлим кишанланган...

Самолётга олиб чиқилди. Узокдан онамни қўриб, шу самолётда олиб кетишгаётганини сезиб қолдим. Самолёт 1,5 соатча учди. Душанбега келганимизни учувчи эълонидан кейин билдим. Яна махсус ёпиқ ва ичи қоронғу машинага солишди ва бир бинога оворишди.

Кейин билишимча, бу Тожикистон КГБсининг тергов изолатори экан. Хар кунни терговга қаттиқлашди. Аввалига Рафил Туктаров, кейин Ширин Шириноров терговни олиб борди. Акам ва онам ҳам бу ерда эканлиги тергов вақтида гапирган овозидан ахён-ахёнда эшитиб, ҳис қилардим.

Тергов ғайринисоний эди. Чунки бизни олиб кетишгани ҳақида ҳам оиламизга, умуман, ҳеч қимга хабар берилмади. Бувим Файзинисо ая йиғлайвериб,



У истехзоли кулиб, дон-дона қилиб гапирди:

“Отанг шу ерда. Қўрсатма бераяпти. СССР КГБсининг Лефортова тергов изолаторида. Биз жуда катта ишни бошлаб қўйдик. Сенлар – барчанг жиноятчисан, ҳаммасини текширамыз, бу ҳали “Ўзбеклар иши”га айланади. Бу масалада бутун Ўзбекистонни жиноятга тортса бўлади. Сен билан гаплашиб ўтиришга ортиқча вақтим ҳам, гапим ҳам йўқ”.

— **Отамга Тошкентдан кийим-кечак, бироз озиқ-овқат олиб келган эдим, шуни ҳам бера олмаймакми?** – деб сўрадим.

“Йўқ, бунга рухсат бермайман”, – деди у.

чи идораларнинг қўплаб раҳбарлари устидан жиноят ишлари очилди. Бу рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлари Гдлян гуруҳига қарши ҳеч иш қилолмас, овоз чиқарса ёки ҳуқуқини талаб қилса, унинг устидан ҳам ўша қуниёқ жиноят иши очиларди. Қаттол Гдлян келгу-сидда жамоат арбоби, яъни депутат, ўша пайтдаги Бош прокуратуранинг юкори амалдори, сиёсий арбоб, қўйинг-чи, даҳо бўлиш истарди. У ўз мақсадига эришди ҳам. Собиқ СССР Олий советига депутат бўлди ва бу билан ўзининг жиноятларига қарши иш очилганда депутатлик имунитетидан жуда унумли фойдаланди.

— **Унинг мақсади фақат шу билан чекланариди?**

— Йўқ. У халқни талагани ҳисобига бойиб кетди. Терговга тортилган шахслардан тортиб олинган мол-мулклар ва ашёлар қонунга мос тарзда рўйхатга олинмаган, ақсарият қисми йўқ қилиб юборилган, Гдлян уларни ўзлаштирганига

қурган каналлар, обод қилган шаҳар-киш-лоқларга, янги очган ерларга бориб ту-ринглар, шунда менинг руҳим шод бўла-ди” дедилар.

Ўлим жазоси 1988 йилнинг охирида СССР Олий Совети Президиуми раиси Андрей Громико томонидан 20 йиллик қамок жазосига алмаштирилди. Чунки онам неча кунлаб набават қутиб, шахсан Громико билан учрашиб, вазиятни тўлиқ тушунтирган эдилар. Тўққизга бола етим қолишини, катта онла эканлигини, ўзлари эса бир умр ўқитувчилик қилиб, ҳалол меҳнат билан пул топаётганликларини қўз ёши билан айтиб бергач, Громико тушунган эди. Лекин таъкидламоқ керакки, отам кейин-чалик бутунлай оқланди. Отам билан бирга ўнлаб беғуноҳ одамлар оқланди.

Жазони ўташ учун отамни Сибирь тай-гасидаги Сталин даврида қурилган энг қаттиқ режимдаги Ивдель қишлоғидаги қамокхонага юборилди. Бу орада СССР тарқаб, Ўзбекистон мустақил бўлган эди. Отам масаласида биз Ўзбекистон

Билиб қўйган яхши

— **Телевиденида адвокат сўровини бажари-лиш тартиби ҳақида эшитиб қолдим.**
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан учрашуви бегона шахсларнинг қатнашувисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз амал-га оширилиши таъминланади;

— **Адвокатлар монеликсиз суд биносига компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириш ҳуқуқига эга;**
— **Адвокатларнинг сўровлари қўпи билан ўн беш кун муздатда бажарилиши шартлиги белгиланди;**
— **Адвокат сўровини бажарилиш тартибини бузган ман-сабдор шахслар адвокатларнинг судларга мурожаатига асосан жавобгарликка тортилади;**
— **Адвокатлик бюрolari турар-жойларда фаолият юри-тишлари мумкин.**

— **Адвокатлик учун стажировка муддати қисқарти-рилгани ҳақида маълумот берсангиз?**
— Адвокатура институтини самаралорлигини тубдан оши-риш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида Президентимизнинг Фар-монига мувофиқ 2018 йил 1 июлдан бошлаб:
— адвокат низоларни судгача ҳал қилиш бўйича чора-лар қўриш, томонларни яраштириш, шунингдек ҳакам-лик сульясига сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади;

— **Адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилди;**
— **Уч йил давлат органлари ва ташкилотларининг юри-дик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимига фаолият юритган шахслар мажбурий стаж-ировкадан озод этилади.**

Саволларга Адлия вазирлиги мутасаддилари жавоб берди.

► Мулоҳаза

«Ишга қатнагани велосипед олсаммикин?» десам, келинингиз унамади. «Йў-а, ярашмайди велосипедда юриш! Насиб қилса, машина оламиз!» деди. Нега энди велосипедда юриш ярашмас экан? Шунчаки, кўзимиз ўрганмаганидан бу. Лекин ишхонамиз ёнида велик қўядиган жой йўқ-да.

Навоий кўчасидан Хадрага тушиб келатганим, ёнимдан беш-олти нафар киз-ўил велосипед фазиллатиб ўтиб кетди. Хавасим келди. Пойтахтимизнинг турли нуқталарида велосипедлар очилиб, кўчаларда, тротуарларда «велик» учираб юрган укасингиларни кўриб бир орзани кетдим. Қани ҳар бир идора, ташкилот олдида велосипед боғлаб қўйиладиган велотураргоҳлар бўлса, бу транспортда қатновчилар учун алоҳида велоўйлар бўлса, маза қилиб ишга «велик»да қатнасанг! Ахир чет элларда, масалан, Хитойда қанчадан қанча одам ишга велосипедда бориб-келади. Ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка фойда, табиатга беэиён. Ёки «Уч савдойи» номли хинд киносини кўргандирсиз. Унда мактаб директорининг ишга велосипедда қатнаши тасвирланган кадрлар бор. Бу директорга ярашмайдиган иш эмас, балки одатий ҳол каби кўрсатилган. Ёки америкача турмуш тасвирланган «Форрестерни излаб» фильмида машҳур ёзувчининг катта йўлнинг ўртасида галстуги шамолда ҳиллаб велосипед хайдаб кетаятгани саҳнаси бор... Нега болалик хотираларимизга қорилиб кетган велосипед билан боғлиқ воқеалар санаётганини аниқлабдирсиз. Шундай, ўша ўзимиз миниб катта бўлган техника воситаси ҳақида гапирмоқчиман. Келинг, XIX асрда кашф этилган велосипедни қайтадан «кашф қиламиз»!

Велосипед фидиракли транспорт ва спорт машғулот воситаси бўлиб, инсоннинг жисмоний кучи билан ҳаракатлантириладиган оёқ педальлари ёки (кам учрайдиган) қўл ричаглари орқали ҳайдалади. Яъни, қисқача таъриф берадиган бўлсак, велосипед — оёқ билан ҳаракатта келтириладиган икки ёки уч фидиракли механик машина бўлиб, инсоннинг ҳаракатланиш воситаларидан бири. Қўлда (нонгиралар велосипеди) ва мотор (двигатель) ёрдамида ҳаракатлантириладиган велосипедлар ҳам бор. Велосипед фидирак, рама, эгар, руль, педаль, занжир ва икки чархдан иборат бўлиб, педаль боқилганда унга бириктирилган чарх занжирни, занжир эса орқа фидирак ўқига маҳкамланган чархни айлантиради. Фидираклар ўлчамига қараб, эркаклар, аёллар ва болалар велосипедлари; вазиёфига қараб, оддий, универсал, спорт ва бошқа турдаги велосипедлар бўлади. Дастлабки велосипед — тўрт фидиракли са-

ўтириб хайдайдиган велосипед, бир фидиракли велосипед ва ҳоказолар.

Хозирги кунда дунёнинг кўпгина минтақаларида асосан спортчилар ва сайёҳлар велосипеддан фойдаланишмоқда. Почтачилар, курьерлар ўз ишларини велосипед воситасида бажаради.

Велосипеднинг ижтимоий аҳамиятини жамиятнинг уч соҳасида яққол кўриш мумкин: одамлар ва юкларни ташувчи транспорт воситаси, спорт машғулот қуроли, шунингдек, фойдали кўнгилчоқ.

Даниядир. Бу ерда яшовчи киши бир йилда ўртача 893 километр масофани велосипедда босиб ўтади. Нидерландлар эса 853 километр масофа кўрсаткичи билан иккинчи ўринда. Германия ва Бельгиялик одам эса бир йилда ўртача 300 километр йўлни велосипедда босиб ўтар экан.

Лондонда дунёдаги энг катта велотураргоҳлар бўлиб, аҳоли, айниқса, сайёҳлар улардан кенг фойдаланишмоқда. Бу бир жихатдан велотуризм ривожига, умуман, сайёҳлар оқимининг тубдан кўпайиши-

лина ва бошқа спортчи ва ташовчиларимиз жаҳон биринчилиги учун ўтказилган пойгалининг қилиб бўлиши.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ ўзимизда велосипед ишлаб чиқариш бошланиб кетди. Ўша ишларнинг давом сифатида 2008 йили Андижон шаҳрида ташкил этилган «Sesam Savdo Sanoat» хусусий корхонасида 8 турдаги болалар велосипеди ишлаб чиқаришмоқда. Шунингдек, Норин тумани маркази — Ҳаққуллоб шаҳридаги «Norin

ВЕЛОСИПЕДНИ қайтадан кашф этамиз!



Металлдан ясалган икки фидиракли велосипедни Россияда оддий дехкон Е. М. Артамонов (1801) қўрган. Унинг педаль ўрнатилган олдинги фидираги орқадан анча катта бўлган. XIX асрнинг

чар машғулот воситаси. Бир қатор Европа мамлакатларида велотуризм учун шарт шартлар (велоўйлар, велотураргоҳлар, велосипед ижараси ва ҳоказо) яратилган. Буюк Британияда эса

га хизмат қилмоқда. Сирасини айтганда, хозирги кунда АКШ, Европа ва Россияда велоўйлар қўриш авж олди. Хусусан, Россиянинг Анапа, Белгород, Новгород, Екатеринбург, Москва ва бошқа ҳудудларида узун-қисқа велоўйлар мавжуд. Бу Европадаги автомобиллар тирбандлигини бартараф этиш, табиат ва атроф-муҳитнинг экологик вазиятини яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда велосипедлар энг катта кўмакчи бўлмоқда.

Хитой, Хиндистон, Индонезия каби Осиё мамлакатларида ҳам велосипеддан фойдаланиш кенг урфга кирган. Мазкур ҳудудлардаги аҳоли зичлигини ҳисобга олганда, велосипедлар одамларнинг энг яқин дастурга айланган.

Велоспорт ўзи алоҳида соҳа. Велосипед билан трек, шоссе, паст-баланд жойда пойга қилиш, шунингдек, фигуралари юриш, велобол ва велосипед мусобақалари велосипед спорти дейилади. 1997 йил Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси қайта ташкил қилинди. Шу йили велосипед спортидан 6 нафар халқаро спорт устаси тайёрланди. М.Қолюшев, Ш.Захридидинов, А.Жамолдидинов, Ф.Галиул-

mechanical plant» корхонаси томонидан қарийб тўрт йилдан бери ихчам электр велосипедлар тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда велосипедлардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида веломаданиятнинг шаклланишига, камчилик воситадан унумли фойдаланишга омил бўлади. Қолаверса, аҳоли саломатлигини янада яхшилашга, она табиатимизни асраб-авайлашга, шунингдек, автомобиллар билан боғлиқ тирбандликларни бартараф этишга олиб келади. Дарвоқе, бу борадаги илк қадамни 70 ёшли Мухаммад бобо қўйгани эсингиздадир? Ўзбекистондаги барча вилоятларда бўлган Мухаммад бобо эса ўз саёҳатини велосипедда амалга оширди. Асли чизмачилик фани ўқитувчиси бўлган Мухаммад бобо 70 ёшда бутун мамлакатини велосипедда босиб ўтди. У киши касаллиги туфайли ҳар тонт соат бешда уйғониб, велосипедда 15 километр йўл босишни одат қилган экан. Мухаммад бобо нафақат соғлигини тиклашда, балки она юртимизнинг бутун тароватини англашда велосипед унинг энг яқин кўмакчиси бўлганлигини эътироф этади.

Пойтахт кўчаларида кўзга ташланаётган велосипедчилар, тобора оммалашаётган велоспортлар саломатлигимиз ва моддиятимизга фойдалилиги, энг асосийси, табиат, атроф-муҳитга безарлиги жиҳатидан улкан бир қадам — веломаданият шаклланаётганини кўрсатади. Насиб қилса, бора-бора битикларимиз бор газеталарни ҳам велосипед минган ўсмирлар қўлидан олиб, ўқиб ўтирсангиз ажаб эмас. Дарвоқе, мана шу ёздиқларимни келингиз ҳам ўқиса-ю, зора автомобил ҳавасидан воз кечса, а?!

Мансур ЖУМАЕВ

► Криминал

Мамлакатимизда пластик карталардан пул ўмариш билан шуғулланган бир неча киберқаллоб қўлга олинди.

Ўзбекистонда пластик карталардан пул ўмариш билан шуғулланган бир неча кибертовламачилар қўлга олинди, дея хабар беради Podrobno.uz. сайти муҳбири Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ) маълумотларига суянган ҳолда.

Сирдарё вилоятида истикомат қилувчи фуқаро вирусли иловани ишлаб чиққач, уни Play Marketга жойлаштиради. Иловани олган фойдаланувчилар уни очиб, ўн минг сўм тўламаса, телефони блокланиши тўғрисидаги огоҳлантиришдан хабардор бўлади.

Тўлов қилингандан кейин фойдаланувчи шубҳали рақамдан хабар келади. Бу эса товламачининг телефонига ва Telegramга бемалол кира олиши учун киёф ади. Шундан кейин у Click-бот орқали телефонга боғланган пластик картадан фойдаланувчининг барча пулларини ечиб олган. Хайриятки, киберқаллобчи ва унинг ҳамтовоқлари тезда аниқланиб, қўлга олинди.

Click-ботда содир этилаётган ўғирликлар кибер тунашдаги ягона ҳолат эмас. Аҳолидан йиғилаётган



КИБЕРФИРИБГАРЛАР

Кўлга тушди

турли хайрия маблағлари ҳам товламачиларнинг чангалига тушиб қолиши ҳеч гапмас. Осон иловаси билан юз берган қуйидаги ҳодиса бунинг яққол тасдиғидир.

«Ижтимоий тармоқлардан бирида бемор гўдакни даволашга маблағ йиғиш учун акция ўтказилди. Ёшлон қилинган постда даволаниш учун исталган миқдордаги маблағни ўтказиш мумкин бўлган картанинг реқвизитлари кўрсатилган эди. Осон иловасидан фойдаланган қаллоб иловани карта маълумотларини киритди ва карта эгасига телефон қилиб, унга пул ўтказганини айтди. Аммо ўтказмани тасдиқлаш учун карта соҳиб телефонига келган код рақамини айтишини сўрайди», деб қайд этилади хабарда.

► Бу турфа олам

БИР ЙИЛИ 19 КУНГА ТЕНГ САЙЁРА



Хиндистонлик астрономлар Кўёшга ўхшаш юлдуз атрофида жуда тез айланивчи ва биздан тахминан 600 ёрғулик йили узоқликда жойлашган экзопланетани аниқлашди.

Ушбу кашфиётдан сўнг Хиндистон Кўёш тизимидан ташқаридаги сайёраларни кашф этаётган мамлакатлар сафига қўшилди. Экзопланеталарнинг топилиши жуда кам учрайдиган ҳолат. Бугунги кунга бора бу тур сайёраларнинг 3786 таси аниқланган. Бироқ мазкур самовий жисмларнинг аксарияти НАСАНинг Кеплер космик телескопи орқали аниқланган.

Янги сайёра «EPIC 211945201b» ёки «K2-236b» деб номланиб, у Ердан 27 марта катта. Мазкур сайёра ҳам аввалига Кеплер телескопи орқали аниқланган эди. Бироқ олимлар у сайёрага ёки комета, деган шубҳага бордилар. Хинд олимлари эса унинг сайёра эканини исботладилар. Ушбу сайёра Ер ва Кўёш орасидаги масофага нисбатан ўз юлдузига етти қарра яқин жойлашган, яъни ундаги ҳарорат 600 даражагача кўтарилиши мумкин. Бундай сайёрада бирор тирик организмнинг яшаши амри маҳол.

ИНТЕРНЕТСИЗ ИШЛАЙДИГАН «GOOGLE ТАРЖИМОН»

Google таржимонининг жуда қулай функцияси бор — смартфон камерасига номатўлм сўз ёки ибора йўналтирилганда қурилма номатўлм сўзининг исталган тилдаги таржимасини кўрсатади.



Бироқ яқин вақтга, айниқса саёҳатларда қўл келадиغان мазкур фойдали қўлланмани фақат интернетга уланган ҳолда амалга ошириш мумкин эди, роуминг эса арзонга тушмаслиги аниқ. Аммо энди бунинг ҳам ечимни топилиб. Google вакиллари тармоққа улашиш заруратида нейротармоқли таржима функциясини бажара олувчи мобил илова ишлаб чиқилгани ҳақида эълон қилишди.

Таъкидлаш жоизки, Google бундай хизматни йўлга қўяётган биринчи корпорация эмас. Microsoft бунга қадар офлайн нейротармоқли таржимон ишлаб чиққан. Бироқ бу компанияларнинг ўзаро рақобатга кириши ва уларни ўз махсулотларини янада яхшилаш устида ишлашлари фойдаланувчилар манфаатига хизмат қилиши аниқ.

Мазкур таржимон 15 июнь кунидан бошлаб барча Android ва iOS қурилмаларида ишга тушди. Унда ҳажми тахминан 35 мегабайтдан иборат 59 хил тил пакетлари бор.

ЮРАК ВА ҚОН ТОМИРЛАРИНИНГ ДУШМАНИ



Ёлғиз ҳамда оила муҳитида яшовчи соғлом инсонлар ўртасида тадқиқот ўтказилди. Натижага қўра, «иккинчи ярми» ёки болалари йўқ кишида кўпроқ юрак ва қон томир касалликларига чалиниш ҳамда ҳаётдан қўз юмиш хавфи катта экани аниқланди.


Ҳар йилги кузатувларда ёлғиз яшовчи инсонлар сони ортаётгани олимлари янада ташвишга солмоқда.

Сўнгги йилларда олимлар инсон саломатлигининг оила, бола ва қариндошлар билан боғлиқлик жиҳатларини ўргана бошладилар. Оқибатда, ёлғиз умр кечирувчи инсонлар бошқаларга нисбатан анча эрта ўлим билан юзлашиши ёки инсульт, инфаркт каби касалликларга мойиллиги аён бўлди.

Бир йил илгари ўтказилган икки юздан ортиқ тадқиқотлар ёлғизлик юрак-қон томирларига катта зарар етказишини исботлаган.

УХЛАШ УЧУН МАКСУС КАПСУЛАЛАР

«Fox News» нашрининг хабар беришича, Словения дизайнерлари, ишбилармонлари ва сайёҳлари Европа аэропортларида ухлаш учун ўрнатилувчи махсус капсулаларни ишлаб чиқишди.



Концепцияга қўра, Airpods модуллари ташқи кўринишдан футуристик дэзгстерларни (пойга мусобақаларида қатнашувчи автомобиллар) эслатади. Сайёҳлар бу капсулалар ичида телефонни зарядлаш, Wi-Fi'га улашиш ва кино кўриш имконига эга бўлишади.

Уйку хоналари ташқи товушлардан тўлиқ изоляция қилинган бўлишига қарамай, сайёҳларга ташқарида бўлаётган ҳодисаларни мониторинг қилиш имкони тақдим этилади. Капсула автоматик равишда йўловчининг парвоз вақти яқинлашаётгани ҳақида хабар беради.

Ихтиро қўшимча ишланмаларни талаб қилса-да, бироқ илк капсулаларни шу йилнинг ўзидаяқ Европанинг баъзи аэропортларида ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Интернет хабарлари асосида Г.ТУРСУНПҲАТОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ижроия қўмитасининг 2018 йил 19 июндаги «Kamolot-turne» sho'ba ko'g'ohasi faoliyatini tugatish t'g'risida»ги 01-04/309-сонли қарорига мувофиқ, Шайхонтоҳур тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2004 йил 20 апрелда 09-1617 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Kamolot-turne» шўъба корхонаси

ТУГАТИЛМОҚДА.

Давъо ва муурожаатлар 2018 йил 20 августга қабул қилинади. 52 / 18

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 6-даҳа, 43-уйда жойлашган 47-хонадон эгаси Зайнутдинова Дилнозага тегишли уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Г-9-9-15 хонадонга тегишли 2007 йилда берилган 17-05/482 рақамли уй-жой кадастр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор тумани матбаа касб-хунар коллежи томонидан 2008 йилда Акбарова Насибга берилган К № 1067423 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли


БЕКОР ҚИЛИНАДИ

» Санъат

Мақом — сеҳрли санъат. Қалбга сокинлик, ором, руҳиятга поклик, мўътадиллик бағишлайди. Унинг мўъжизакорлиги бу қадимий меросимизни ўзбек тилини мутлақо тушунмайдиган хорижликлар ҳам сеҳрланиб, сел бўлиб тинглашида яққол намоён бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан миллий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, уни ёшларга безавол етказиш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатлар миллий мақом санъати ривожига кўрсатилаётган ғоят улкан эътибор ва ғамхўрликда ёрқин ифодасини топмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, Ўзбекистон халқ ҳофиза, Ўзбек миллий мақом санъати марказининг «Устоз-шоғирд мактаби» бўлими раҳбари Маҳмуд ТОЖИБОВ ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:



Ш.Тожибов оғани сурат

Қадимий ва БЕТАКРОР

— Миллий мақом санъати ривожини йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибор барча ижодкорларга илҳом, ижод завоқини бағишламоқда. Бу фарахбахш кунларни устозларимиз билан озиқиб кутгандик. Ўзбек халқи улкан ва бетакрор муслиқий меросга эга. Ўзбек миллий мусиқа санъатининг гултожи саналган «Шашмақом» ва унинг туркумлари мумтоз шеъримиз билан уйғун ҳолда ғоят гўзал санъат намунасини ҳосил этганки, бу юксак мусиқага жаҳон аҳли хайрат билан қарайди.

Юнус Ражабий, Матниёз Юсупов сингари устозларнинг изланишлари мақомчилик санъатининг илмий ва амалий ўзлаштирилишида улкан ижобий ўзгаришлар ясади. Мамлакатимизда ҳар икки йилда «Шарк тароналари» халқаро мусиқа фестивали, мазкур ноёб мусиқа меросимиз тарғиботида оид кўрик-танловлар, ижодий лойиҳаларнинг ўтказилиши яхши анъанага айланган. 2003 йилда «Шашмақом» ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси дурдонаси», деб таъин олиниши мақом санъатига бўлган халқаро миқёсдаги эътибор ва эътирофнинг амалий ифодасидир.

Мамлакатимизда ушбу меросимизни ўрганиш, ёшлар онгига сингдиришга авлодларимиз маънавий-ахлоқий тарбиясининг узвий қисми сифатида ёндашилмоқда. Жаҳонда рўй бераётган глобал ўзгаришлар, халқлар ва маданиятлар ўртасидаги муқаррар интеграция жараёнлари баъзи ҳолларда фойда келтирса, баъзан бу мураккаб жараённинг зиёни ҳам кўзга ташланмоқда. Ана шундай салбий кўринишлардан

бири оммавий маданият ниқоби остида ёшлар онгига менталитетимиз, миллий табиатимиз, ўзлгимизга зид ғояларнинг кириб келишини ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Ёш авлоднинг бундай ҳолатлардан асрашда, энг аввало, миллий маънавиятимизни, унинг бебаҳо бойликларини қалқон этамиз. Ўғил-қизларимизнинг маънавий, мафкурарий имунитетини мустаҳкамлаш, пок вуждон, соғлом тафаккур, собит дунёқараш соҳибни этиб камолга етказиш вазифаси бугун ҳар бир ижодкор зиёли зиммасига улкан масъулият юкламоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилингани санъатимиз ривожига янги истисқобларни очмоқда. Мазкур ҳужжат ўзбек мақом санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини янги босқичда рағбат топтириш, унинг «олтин фонди»ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилишда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси замирида эзгу ҳикмат мужассам. Ҳозир инсоният шундай бир даврдаки, умумбашарий эзгу

қадриятлар четга сурилиб, илгари мисли кўрилмаган шафқатсизлик, мутаассиблик, юзсизлик, лоқайдлик каби хавфли иллатлар қуршовида қолди. Бу иллатлар шундай тезкор ва мослашувчан ҳуусиятга эгаки, у ҳеч бир миллат ва халқни, ҳеч қандай сарҳадни четлаб ўтмайпти. Ана шундай маънавий тажовуздан ҳимояланмоқ учун мумтоз адабиётимиз сарвари Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби даҳоларимизнинг маънавий мероси билан бир қаторда асрлар мобайнида шаклланган ва сайқалланган олий мусиқий намуна саналмиш мақомлардан ёшларимиз онгини, мафкурасини асровчи омиш сифатида фойдаланмоғимиз давр талабига айланди.

Пойтахтимизда Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилиб, ҳозирда самарали фаолият кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларида намунали мақом ансамбллари ташкил этилди. Ушбу бебаҳо меросимизга оид тарихий, назарий ва амалий ижрочилик анъаналари, намояндалари ҳуусидаги маълумотларни жамлаш билан бир қаторда мавжуд ёзма манбаларнинг илмий тадқиқотлари ўрганилмоқда.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб болалар мусиқа ва

санъат мактабларида Мақом алифбоси фани ўқитилади. Шу мақсадда ўқув адабиётлари тайёрланмоқда. Китоб, дарслик, қўлланма, монография, тўпламлар ва мақом санъатини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида илмий асосланган мақолалар ёзиш ва нашрга тайёрлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Миллий мақом санъатига оид йирик энциклопедия яратилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун болаларнинг ёши, психологик ҳуусиятлари, дунёқарашини инобатга олинган ҳолда мақом намуналаридан таркиб топган махсус маърифий дисклар тайёрланди. Мақом санъатига оид «Олтин фонд»ни яратиш бўйича марказ қошида махсус бадиий кенгаш тузилди.

«Ma'naviyat va ma'rifat» телеканали орқали «Мақом алифбоси» кўрсатuvi эфирга узатила бошланди. Бу телевидение орқали мақом санъатини оддий ва содда тарзда кенг оммага тушунтириш ва тарғиб қилишди. «Mahalla» радиоканали орқали «Мақом мавжлари» эшитириши тайёрланмоқда.

Мақом — ғоят гўзал, аини дамда мураккаб санъат. Унинг жозибаси, зукколик ва қалб кўрига йўғрилган, мангуликка дахлдор мерос. Шу боис, миллий мақом санъатимиз ҳамон жаҳон мусиқа ихлосмандларини хайратга солиб, ўзига мафтун этмоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларидаги олий таълим даргоҳларида, мактаблар, маҳаллаларда мақом санъати тарғиботи оид ижодий кечалар, мақом оқшомлари ўтказилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида мақом санъатига оид маҳорат дарслари, семинар-тренинглари халқимизнинг таниқли санъаткорлари, ҳофизлар, мусиқашунослар томонидан мунтазам ташкил этилмоқда. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан ҳамкорликда Шашмақом ҳақидаги ҳужжатли фильм ва тўлиқ метрраж бадий фильм сценарийси ёзиб тугалланди.

Президентимизнинг 2018 йил 6 апрелдаги «Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан эндиликда ҳар икки йилда бир марта Шахрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгиланди. Анжуманининг махсус веб-сайти яратилди. Унда қатнашувчи олимлар, мусиқашилар, санъаткорлар, мусиқий жамоалар рўйхати шакллантирилди. Бу йил мазкур йирик анжуман 6-10 сентябрь кунлари бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Назokat УСМОНОВА

Ҳикматлар ҳазинасидан

Ўзинг
бажармаган
нарсани
фахрланишинг
айбдир.
Шундоқ экан,
ҳусни-
жамолнинг
билан
фахрланмагин,
чунки уни сен
яратмагансан.
Ва наслу-
насабинг
билан ҳам
фахрланмагин,
чунки уни сен
танламагансан.
Лекин одоб-
ахлоқнинг билан
фахрланавер.
Чунки сен
уни ўзинг беваб,
ясагансан.

Бобур МУҲАММАДИЕВ



ди. Бу ҳам кўпчилик кутмаган натижа эди. Чунки улар ҳар қандай терма жамоани ер тишлатишга қодирдек кўринганди. Ўйинда Неймар сафдошлари ўпни назорат қилган бўлса-да, швейцарияликлар ҳам анойи эмаслиги кўрсатиб қўйишди: 1-1.

Ойнаи жаҳон орқали чемпи-

онат ўйинларини, футбол юдзуларининг бир-биридан чиройли ҳаракатларини, бетакрор голларини кузатиб туриб, «Қанийди, бизнинг футболчилар ҳам халқаро майдонларда ана шундай тўп суришса», дея орау қилсан киши. Орзуга эса айб йўқ!

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Кутилмаган натижалар

Шу кунларда дунё футбол ишқибозларининг нигоҳи Россияда давом этаётган мундиалга қаратилган. Ўттиз икки мамлакат футболчилари беллашаётган мусобақа бир-бирдан қизиқарли баҳслар билан ёдда қолмоқда.

Чемпионат Россия ва Саудия Арабистони ўртасидаги учрашув билан бошланди. Баҳсда мезбонлар ғалабаси тахмин қилинганди, аммо бунчалик йирик ҳисобни — 5-0 ҳеч ким кутмаган эди.

Биринчи давра учрашувлар кутилмаган натижаларга бой бўляпти. Чунки мусобақа ғолибига даъвогар айрим жамоалар ғалаба нашидасидан бебаҳра қолмоқда. Айниқса, амалдаги чемпион немисларнинг мексикаликларга ютқизиши кутилмаган янгилик бўлди. «Немис машинаси»нинг тактик жиҳатдан рақибларидан устунилиги сезилиб турди. Аммо мексикаликларнинг ҳужумларидан бири гол билан яқунланди ва ғалаба илб кетилди. Ўтган чемпионат финалиси Мессе жамоаси ҳам биринчи даврани кўнгилдагидек бошлаб олди: Исландия билан 1-1 ҳисобида имзо чекди.

Мессининг ўн бир метрлик жарима зарбасини бой бергани барча футбол мухлисларини хайрон қолдирди. Чунки унинг рақобатчиси Роналду испанлар билан кечган ўйинда бир эмас, учта гол урди.

Кўпчилик С гуруҳи фаворит французларни Австралия терма жамоасини осонликча енгса керак, деб ўйлаган эди. Бирок ғалаба учун французлар яхшигина тер тўкишди. Агар ўйиннинг 56-дақиқасида ҳакам видеоассистентга мурожаат қилиб, такрорий лавҳани кўрмаганида баҳс бошқача тугаши мумкин эди. Ҳакамнинг такрорий лавҳадан сўнг австралияликлар дарвозасига ўн бир метрлик жарима белгилаши французлар учун қўл келди. Натижа ҳам ўйинга мос — 2-1 ҳисоби билан яқунланди.

Бразилияликлар биринчи даврани дуранг билан бошла-

ди. Бу ҳам кўпчилик кутмаган натижа эди. Чунки улар ҳар қандай терма жамоани ер тишлатишга қодирдек кўринганди. Ўйинда Неймар сафдошлари ўпни назорат қилган бўлса-да, швейцарияликлар ҳам анойи эмаслиги кўрсатиб қўйишди: 1-1.

Ойнаи жаҳон орқали чемпи-

онат ўйинларини, футбол юдзуларининг бир-биридан чиройли ҳаракатларини, бетакрор голларини кузатиб туриб, «Қанийди, бизнинг футболчилар ҳам халқаро майдонларда ана шундай тўп суришса», дея орау қилсан киши. Орзуга эса айб йўқ!

Бобур МУҲАММАДИЕВ

» Жуғрофий саёҳат

Дунёда сонлар билан боғлиқ турли афсоналар юради. Кўпгина халқларда 7 ҳосиятли рақам ҳисобланади. Аслида бу ҳеч қандай илоҳий мантиққа эга бўлмасда, ҳаётда шу сон билан боғлиқ бир қанча ажойиботлар мавжуд. Масалан, ҳафтанинг етти кунни, дунёнинг етти мўъжизаси, етти хамина, инсоннинг етти авлоди, дунёнинг етти иқлими, камалакнинг етти ранги, галактиканинг етти сайёраси...

Куйида ана шу еттиликка мансуб дунё мўъжизалари билан танишамиз.

ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

МИСР ЭХРОМЛАРИ

Миср эхромлари Нил дарёси ғарбидида Гиза водийсида эрамиздан аввалги 2575-2467 йилларда қурилган. Қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, эхромлар учун ўн йил мобайнида жой ҳозирланиб, фиръавн қабри жойлашган эхромни тиклаш учун 20 йил давомида юз мингдан ортиқ қўл ишлатилган.



Эхромларнинг энг каттаси Хуфу (Хеопс) пирамидасидир. У 4,8 гектар майдонни эгаллаган. Баланглиги 147 метрдан иборат мазкур эхром бундан қарий 5 минг йил илгари қуриб битказилган. Катталиги жиҳатдан Хуфу эхромидан кейин фиръавн Хафра (Хефрен) пирамидаси туради. У Хуфу эхромидан атиги 2 метр паст. Мисрдаги бу эхромлардан топишган тобуллар ва мўмиланган жасадлар ўтган асрда бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. Айниқса, Тутанхамон сағанасининг топилиши катта шов-шувга сабаб бўлган.

БОБИЛ ОСМА БОҒЛАРИ

Оламнинг яна бир мўъжизаси бўлган боғлар қадим Шарқнинг энг катта ва бадавлат шаҳри — Бобилда (ҳозирги Ироқ ҳудудида) бўлган.

Самовий боғларнинг яратилиши ривоятларга кўра, аёл подшоҳ Семирамида (Шаммурат) номига боғланса-да, аслида улар подшоҳ Навуходоносор фармойиши билан милотдан аввалги VI асрда бунёд этилган.

Бобил осма боғлари тоғ ёнбағрига айвон усулида қурилган. Қадимги тарихчиларнинг хабар беришича, ўша пайтларда Бобил буюк давлат бўлиб, ўзининг деворлари, сарой, қаср ва даҳмалари билан машҳур бўлган. Осма боғлар устун қилиб юқорида кўтарилган бир неча айвонлардан ташкил топган. Уларнинг баландлиги 24 метрдан 90 метргача етган. Дарахт ва гуллар айвон устида ўсган.

РОДОСДАГИ ҲАЙКАЛ

Қадимги юнонларнинг кўёш худоси Гелиоснинг бронзадан ишланган улкан ҳайкали тахминан эрамиздан аввалги 280 йилда қурилган.

Родос кўлтирига киришни кўриқлайдиган бу ҳайкал Кичик Осиё кироқларидаги грек ороларидан бирида жойлашган. Афсонага кўра, ушбу ҳайкал 32 метр. Эрамиздан аввалги 224 йилда содир бўлган зилзила уни яқсон қилган.

ГАЛИКАРНАС ДАХМАСИ

Эрамиздан аввалги 353 йили вафот этган Карма қироли Маусулуга атаб мармардан ишланган бу даҳма Кичик Осиёда.

Галикарнас даҳмаси ҳозирда Туркиянинг жануби-ғарбда жойлашган бўлиб, уни қиролича Артемисия эри ва акаси шарафига қурдирган. Кучли зилзила туфайли бузилиб кетган даҳмадан кейинчалик қурилим материаллари сифатида фойдаланилган. Ҳозирда даҳманинг баъзи бўлақлари сақланиб қолган, холос.

ЗЕВС ҲАЙКАЛИ

Эрамиздан аввалги 5 асрда юнон ҳайкалтароши Фидий томонидан ясалган.

Бу ҳайкал Олимпия ўйинлари ўтказиладиган Олимп тоғидаги Зевс ибодатхонасининг марказида бўлган. Баланглиги 12 метрни ташкил этган ҳайкал қалай ва олтиндан ишланган. Эрамизнинг олтинчи асрида юз берган кучли зилзила ва кейинчалик Константинополнинг ёқиб юборилиши оқибатида у бузилиб кетган.

АРТЕМИДА ИБОДАТХОНАСИ

Кичик Осиёда жойлашган мазкур ибодатхона эрамиздан аввалги VI асрда илоҳа Артемидани шарафига Эфесда (ҳозирда Туркияда) қурилган.

Қадимги Римда Диана номи билан машҳур Артемидани ов илоҳаси ҳисобланган. Эрамиздан аввалги 356 йилда Герострат томонидан ўт қўйилган ибодатхона эрамиздан аввалги III асрда қайта тикланган.

Археологларнинг айтишича, ибодатхона узунлиги 104 метр, энига 50 метрни ташкил этган. Унинг тош устунлари эса 18 метрдан баланд бўлган. Ибодатхона Готлар томонидан 262 йили яқсон қилинган.

ИСКАНДАРНИЯ МАЁҒИ

Мисрнинг Искандария шаҳри яқинида жойлашган қадимий маёқ Птолемей II даврида, тахминан эрамиздан аввалги 280 йилда қурилган.



Баланглиги 134 метрни (40 қаватли бино баландлигига тенг) ташкил этган. Денгизчилар манзилни тез топиб олишлари учун маёқнинг энг баланд қисмига олов ёқиб қўйилган. 955 йилда рўй берган бўрон ва зилзила оқибатида маёқ анча зарар кўрди. XIV асргача эса зилзилалар сабаб ундан асар ҳам қолмаган.

Г.ТУРСУНҲУЛОВА тайёрлади.